

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг
ҚАРОРИ
№90 03.04.2013**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«2013-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасига донор мамлакатлар,
халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг беғараз
техник кўмак маблағларини (грантларини) жалб этиш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги 2013 йил 29 мартдаги 90-сонли қарори ҳақида**

2013-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор лойиҳаларини амалга ошириш учун донор мамлакатлар, халқаро хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг беғараз техник кўмак маблағларини (грантларини) жалб этиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 29 мартдаги “2013-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасига донор мамлакатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг беғараз техник кўмак маблағларини (грантларини) жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 90-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

а) 2013 йил учун олдиндан келишилган ҳамда донор мамлакатлар, халқаро хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан ишлаб чиқиладиган беғараз техник кўмак (грантлар) лойиҳалари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2013-2015 йиллар учун донор мамлакатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан ишлаб чиқиладиган беғараз техник кўмак (грантлар) лойиҳалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Донор мамлакатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан молиялаштириш ва биргаликда молиялаштириш учун таклиф этиладиган беғараз техник кўмак (грантлар)нинг энг устувор лойиҳалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

б) лойиҳа таклифларининг белгиланган муддатларда ўз вақтида ва ҳар томонлама ишлаб чиқилиши, сифатли ва самарали амалга оширилиши, уларни амалга оширишнинг бошланишини таъминлаш учун зарур тайёргарлик тадбирлари олиб борилиши, шунингдек беғараз техник кўмак маблағларидан (грантлардан) қатъий, мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан шахсий жавобгарлик давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ушбу қарорга 1, 2 ва 3-иловаларга киритилган беғараз техник кўмак (грантлар)нинг бошқа олувчилари раҳбарлари зиммасига юкланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига, халқаро молиявий институтларидаги Ўзбекистон Республикасидан бошқарувчилар идораларига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

мазкур қарорнинг 1-иловасига киритилган лойиҳалар бўйича хужжатларнинг узил-кесил келишилиши, маъқулланиши ва расмийлаштирилишига оид зарур тартиб-қоидалар бажарилишини таъминлаш;

ушбу қарорнинг 2-иловасига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш юзасидан донор мамлакатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан ишларни фаоллаштириш;

ушбу қарорнинг 3-иловасига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун беғараз техник кўмак маблағларини (грантларни) жалб этиш масалаларини донор мамлакатлар, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан пухта ишлаб чиқиш топширилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

ушбу қарорнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ рўйхатларга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун беғараз техник кўмак маблағларини (грантларни) жалб этиш жараёни самарали мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

жалб этиладиган беғараз техник кўмак маблағларидан (грантлардан) мақсадли ва самарали фойдаланилишини белгиланган тартибда тизимли текшириш ишларини давом эттириш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда, зарурият бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу қарор билан тасдиқланган рўйхатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига:

жалб этиладиган беғараз техник кўмак маблағларидан (грантлардан) мақсадли ва самарали фойдаланилишини белгиланган тартибда тизимли текшириш ишларини давом эттирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда, зарурият бўлганда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ушбу қарор билан маълумот учун қабул этилган рўйхатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиш топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Н.Ерлеспесов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

Б.Янгибаев

Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кўчини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси грантли беғараз техник кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 9 ноябрдаги 189 б-сонли фармойишининг 3 банди, шунингдек мазкур қарорга 2 ва 3 иловалар.

2. Вазирлар Кенгашининг «2010 йилда Ўзбекистон Республикасига халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, донор мамлакатларнинг беғараз техник кўмагини (грантларини) жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 19 мартдаги 61/3 сонли қарори.

3. Вазирлар Кенгашининг «2012 йил Ўзбекистон Республикасига донор мамлакатлар, халқаро хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг беғараз техник кўмагини (грантларини) жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 24 мартдаги 77-сон қарори.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2012 йил 7 декабрдаги 215-б сонли фармойиши.